

Qishloq hayoti

2012 йил Мустақкам оила ўшу

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz

2012-YIL 24-MAY, PAYSHANBA, 61 (7986) - SON

1974-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan
Bahosi kelishilgan narxda.

НАВҚИРОН АВЛОДНИНГ СПОРТ БАЙРАМИ

«УМИД НИХОЛЛАРИ» СПОРТ ҲАЙОТИ КАТНАШЧИЛАРИГА

Азиз болаларим, фарзандларим!

Ҳурматли ота-оналар, устоз-мураббийлар ва спорт мухлислари!

Аввало, сизларнинг барчангизни мана шу фусункор баҳор айёмида чехраси ва бағрини очиб, янада гўзал қиёфа касб этган Навоий шаҳрида "Умид ниҳоллари" спорт ўйинларининг тантанали очилиши билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Биз мустақилликка эришган биринчи кунлардан бошлаб юртимизда инсон, унинг ҳаёти ва манфаатларини олий қадрият даражасига кўтариш, халқимиз учун муносиб турмуш шароити яратишдек юксак мақсадни ўз олдимизга асосий вазифа қилиб қўйдик.

Ана шундай эзгу мақсадга эришиш йўлида бугун Ватанимиз қўлга киритаётган улкан ютуқ ва марралар дунёнинг узоқ ва яқин мамлакатларида кенг эътироф этилаётгани халқимизга, барчамизнинг ишончимиз ва таянчимиз бўлган ёшларимизга катта гурур ва ифтихор етказмоқда.

Ёш авлодимизнинг ақл-заковати, қобилияти ва талантини рўёбга чиқариш, уларни соғлом ва баркамол этиб тарбиялашга қаратилган амалий сарф-харажатларимизнинг яна бир ёрқин намоёни сифатида бугун Навоий шаҳрида бешинчи бор ўтказилаётган "Умид ниҳоллари" мусобақаларида қатъият билан бел боғлаб майдонга тушаётган сиз, азиз фарзандларимизнинг ёниб турган кўзларингиз, ғайрат ва шижоатингиз барчамизга чексиз қўвонч бағишлаб, эртанги кунга бўлган ишончимизни янада мустақкамлайди.

Юртимизда шаклланган, "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада ўйинларини ўз ичига олган уч босқичли тизим, айна мана шундай тадбир ва мусобақалар, мухтасар айтганда, мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш бўйича амалга ошираётган улкан ишларимиз бугунги кунда дунё жамоатчилигида катта қизиқиш ва ҳайрат уйғотмоқда, энг муҳими, ёшларимизнинг халқаро майдонларда юксак шохсупаларга кўтарилиши учун мустақкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, кейинги йилларда болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан юртимизда қарийб 1500 та замонавий спорт объекти бунёд этилганини таъкидлаш ўринлидир. Эътиборлиси шундаки, бу ишларнинг қўламини ва миқёси кенгайиб, барча ҳудуд ва минтақаларимизни, шаҳар ва қишлоқларимизни тобора кенгрок қамраб олмоқда.

Ўйлаётганимиз, сизлар бўлгуси мусобақалар давомида бу фикрга яна бир бор ишонч ҳосил қиласизлар. Ушбу беллашувларни юксак савияда ўтказиш учун Навоий вилоятида қарийб 56 миллион сўм маблағ сарфланиб барпо этилган, бугун сизларга ўз эшикларини очётган муҳташам спорт саройлари ва мажмуалари, стадионлар ва сузиш ҳавзалари, инфратузилма объектлари сизларнинг истеъдод ва маҳоратингизни намоён этишга, келажақда эса минглаб ёш спортчиларни тарбиялаб вояга етказишга хизмат қилиши табиийдир.

(Давоми 2-саҳифада)



НАВОИЙ ШАҲРИДА УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ЁҚУВЧИЛАРИНИНГ «УМИД НИХОЛЛАРИ – 2012» РЕСПУБЛИКА СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИ БОШЛАНДИ

...Навоий шаҳри оқшом оғушига чўмган бўлса-да, кўчалар ва хиёбонлар кундуздагидек чароғон. Сержило нур таратаётган ранг-баранг чироқлар, енгил хилпираётган байроқлар шаҳарга байрамона руҳ, ўзгача тароват бахш этган. "Умид ниҳоллари – 2012" мусобақалари муносабати билан қад ростлаган муҳташам марказий стадион меҳмонлар ва спорт мухлислари билан тўла.

"Умид ниҳоллари – 2012" республика спорт мусобақаларининг чорлов садолари янграйди. Майдонга Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар, Тошкент шаҳрининг терма жамоалари кириб келади.

Навоий вилояти ҳокими Э.Турдимов "Умид ниҳоллари – 2012" спорт мусобақаларининг финал босқичини очиб, деб эълон қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг "Умид ниҳоллари" спорт ўйинлари катнашчиларига табригини Прези-

дентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи кўтарилади.

"Умид ниҳоллари – 2012" республика спорт мусобақалари байроғи хилпирай бошлайди.

"Умид ниҳоллари – 2012" спорт мусобақаси иштирокчилари спорт беллашувларида ҳалол, мардонавор ва мурасасиз курашишга тантанали қасамёд қилдилар.

Спорт – инсоннинг шахс сифа-

тида камол топишида, унда кучли ирода, ғалабага интилиш, қийинчиликларни енгиш руҳини тарбиялашда, қалби ва онгига ватанпарварлик, эл-юртга содиқлик, ифтихор туйғуларини сингдиришда муҳим аҳамиятга эга. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ҳар томонлама баркамол авлод тарбиялашга йўналтирилган давлат сиёсатида ушбу жиҳатлар устувор ўринни эгаллайди. Бугун озод ва обод Ватанимизда униб-ўсаётган ниҳоллар – ҳам жисмоний, ҳам маънавий етуқ, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбия топган том маънодаги баркамол авлод мамлакатимиз тараққиётини, халқимиз фаровонлигини, ҳаётимизнинг осойишта ва тинч-тотувлигини таъминлашда ҳал қилувчи куч, буюк келажагимиз бунёдкорларидир.

(Давоми 2-саҳифада)

НАВҚИРОН АВЛОДНИНГ СПОРТ БАЙРАМИ

«УМИД НИХОЛЛАРИ» СПОРТ ЎЙИНЛАРИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

(Боши 1-саҳифада)

Мамлакатимизда яратилаётган ана шундай кенг имкониятлар туфайли болалар спорти том маънода умуммиллий ҳаракатга айланиб, ўзининг дастлабки амалий натижаларини бермоқда. Буни кейинги тўрт йил мобайнида юртимизда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган ўқувчилар ўртасида спорт билан мунтазам шуғулланидиганлар сони 29 фоиздан қарийб 35 фоизга, қизларимиз ўртасида эса 24 фоиздан 31,5 фоизга ўсгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Буларнинг барчаси ўз навбатида бизнинг эзгу мақсадимиз бўлмиш соғлом авлод тарбиясига катта ихобий таъсир кўрсатмоқда. Агарки, 2005 йилда юртимиздаги мутлақ соғлом болалар кўрсаткичи 52 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилда бу рақам қарийб 63 фоизга етгани ва бу борада биз ривожланган давлатлар даражасига тобора яқинлашиб бораётганимиз албатта барчамизни хурсанд қилади.

Кадрли ўғил-қизларим!

Бугун бошланаётган «Умид нихоллари» ўйинлари мамлакатимиздаги миллионлаб ёшларни спорт билан таништириш, уларни спортга ошно этиш, жамиятимизда соғлом турмуш таъминловларини кенг қарор топтиришдек олижаноб мақсадга қаратилгани билан аниққас эътиборлидир. Бу мусобақаларнинг туман ва вилоят босқичларида 1 миллион 600 минг нафарга яқин мактаб ўқувчиси иштирок этгани ёшларимиз ўртасида спортни янада оммалаштиришда бу ўйинларнинг ўрни ва таъсири ортиб бораётганидан далолат беради.

Яқин кунларда XXX ёзги Олимпиада беллашувларида иштирок этиш учун Буюк Британиянинг Лондон шаҳрига йўл оладиган ака ва опаларингиз катта спорт оламини илк қадамларни сизлар қатнашаётган айнан мана шундай мусобақалардан бошлагани, ўйлайманки, барчангизнинг кучингизга куч, ишончингизга ишонч қўшади.

Бугун Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишга отланаётган моҳир спортчиларимизга барчамиз омад тилар эканмиз, сизлар ҳам уларнинг изидан бориб, жаҳон майдонларида Ўзбекистонимиз байроғини баланд кўтарасиз, деб ишонамиз.

Азиз фарзандларим!

Сизларнинг иштирокингиздаги кескин беллашувлари минг-минглаб тенгдошларингиз, ёру дўстларингиз, барча спорт муҳлислари қизгин олқишлар, эзгу тилаклар билан кутиб олади.

Билиб қўйингки, давлатимиз, жамиятимиз сиз, ёшларнинг камолотингиз, бахту саодатингиз учун ҳеч нарсани — маблағ ва имкониятни ҳам, куч ва ҳаракатни ҳам, энг муҳими, ўзининг қалб саховати ва меҳрини асло аямайди.

Барчамизнинг истагимиз битта: ана шундай юксак эътибор ва ғамхўрликка доимо муносиб бўлиб, мамлакатимиз кўлга киритаётган ютуқларга ўз ҳиссангизни қўшиш, Ватанимизнинг жаҳон миқёсида обрў-эътиборини юксалтириш учун интилиб яшанг.

Фурсатдан фойдаланиб, сизлар учун янги-янги спорт объеклари барпо этган, катта ҳажмдаги бунёдкорлик ва ободончилик ишларини амалга оширган моҳир курувчилар, меъмор ва муҳандисларга, пудратчи ташкилотлар ва мутахассисларга, бутун Навоий вилояти ахлига, бу олижаноб ишга ҳисса қўшган барча-барча инсонларга ўз номидан, халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдираман.

Ишонаман, бу мусобақалар дўстлик, ўзаро ҳурмат ва адолат руҳида ўтади ва барчангизнинг ҳаётингизда унутилмас саҳифа бўлиб қолади.

Сизларни бугунги ёшлик ва спорт байрами билан ака бир бор табриклаб, барчангизга бахт ва омад, келгуси ҳаётингизда янги-янги ютуқлар тилайман.

**Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти**



(Боши 1-саҳифада)

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан қабул қилинган ва изчил амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури фарзандларимиз ҳар соҳада ўз ақл-заковати ва истеъдодини тўла намойён этишида, уларни юртимизда эркин демократик жамият қуришга қодир, ҳеч кимдан кам бўлмаган, камил инсонлар сифатида тарбиялашда муҳим омил бўлмоқда. Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ана шу мақсадларни рўйбга чиқариш, чекка ҳудудларда ҳам спорт мажмуаларини қуриш ва уларни замон талаблари асосида спорт анжумлари билан жиҳозлаш, ўғил-қизларимиз жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши учун қулай шароит яратишга ҳизмат қилмоқда.

2003-2011 йиллар давомида мазкур жамғарма томонидан 1500 га яқин замонавий спорт объеклари фойдаланишга топширилди. Ушбу иншоотларнинг аксарияти қишлоқларда жойлашгани эътиборга моликдир.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан асос солинган «Умид нихоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада мусобақаларидан таркиб топган узлуксиз спорт тизими бу борада улкан аҳамият касб этмоқда. У бамисоли қудратли тўлқинга айланиб, мамлакатимизнинг барча ўқувчи ва талаба-ёшларини ўз сафига қамраб олмақда, улар орасидан чемпионлар етишиб чиқиши, ҳар бир йигит-қизнинг соғлом улғайишига ҳизмат қилаётди.

Дунёда ўхшаши бўлмаган мазкур тизимнинг дастлабки бугуни — «Умид нихоллари» бу гал бешинчи мартаба ўтказилмоқда. Мусобақа илк мартаба 2002 йилда Фарғонада ташкил этилган эди. Ўн йил олдинги мусобақада қатнашган ўқувчиларнинг аксарияти бугун мамлакатимизнинг етакчи спортчиларига айланди.

«Умид нихоллари»нинг якуний босқичида туман, шаҳар, вилоят миқёсидаги беллашувларда ўз иқтидори ва қобилиятини намойён этган энг сара спортчилар қатнашди. Беллашувларда қайд этилаётган натижалар, кўрсаткичлар, рекордлар йилдан-йилга ўсиб бораётгани ёшларимизнинг спорт соҳасидаги салоҳияти юксалаётганидан далолатдир.

Мактаб ўқувчиларининг бу гал-

ги йирик байрами спорт оламининг энг нуфузли мусобақаси — Лондонда бўладиган XXX ёзги Олимпия ўйинлари ўтказиладиган йилга тўғри келганида ҳам ўзига хос рамзий маъно бор. Зеро, «Умид нихоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада мусобақалари Ўзбекистон ёшларининг ўзига хос «кичик олимпиада»сига айланди. Мазкур спорт анжуманлари олимпия таъминотлари ва талаблари асосида ташкил этилади, финал мусобақалари Олимпия ўйинларида бўлгани сингари машъала ёқиш маросими билан бошланади.

Бугун Лондон Олимпиадасида юртимиз шарафини ҳимоя қилишга ҳозирлик қўраётган дзюдочилар Ришод Собиров, Абдулла Тангриев, Дилшод Чориев, боксчилар Аббос Атоев, Элшод Расулов, Жасур Латипов, енгил атлетикачилар Светлана Радзивиц, Валерия Канатова, Юлия Тарасова, сузиш бўйича мамлакатимиз рекордчилари Раъно Омонова, Юлдуз Қўчқорова, таэквондоч Ақмал Эргашев каби кўплаб спортчиларимиз айнан ана шу мусобақаларда дастлабки зафарли қадамларини ташлаган.

...Стадионга сокинлик чўмади. Тошкент вилоятининг Паркент туманида жойлашган «Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Материалшунослик институтининг қуёш ўчоғидан аланга олдирилган «Умид нихоллари — 2012» спорт ўйинларининг машъаласини кўтарган йигит ва қиз стадионга кириб келади.

«Умид нихоллари — 2012» спорт ўйинлари машъаласи порлай бошлайди.

Бу йилги мусобақалар спортнинг ўн икки тури — бадий гимнастика, баскетбол, волейбол, гандбол, футбол, сузиш, енгил атлетика, стол тенниси, спорт гимнастикаси, шахмат, кураш ва белбоғли кураш бўйича ўтказилади. Минг нафарга яқин ёш спортчи «Умид нихоллари — 2012» спорт ўйинларининг финал босқичида иштирок этмоқда.

«Умид нихоллари — 2012» республика спорт мусобақаларини юқори савияда ўтказиш мақсадида Навоий вилоятида кенг қўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Шаҳарга туташ ҳудудда қад ростлаган спортчилар шаҳарчаси тимсолида халқимизнинг бунёдкорлик ва яратувчанлик салоҳияти ана бир бор ўз ифодасини топган.

Шаҳарчанинг умумий майдони 14,8 гектарни ташкил этади. Бу ерда жаҳон стандартлари асосида қурилган янги стадион 10 минг томошабинни ўз бағрига сиғдира олади. Ўйин майдони, саккиз қатор югуриш йўлаклари, 42х30 метр ҳажмдаги иккита спорт зали, кийим алмаштириш, ювиниш, тиббиёт ва маъмурий хоналари спортчиларга кенг қўлайлик яратади. Мажмуа атрофи манзарали дарахтлар, турфа гуллар билан безатилган.

Спорт шаҳарчасида Олий спорт маҳорати мактаби, Навоий спорт коллежи, курашга ихтисослаштирилган спорт мактаби, футболга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернатининг ўқув бинолари ва спорт заллари ҳам ёшлар ихтиёрида. «Кимёгар» стадиони, «Олтин сув» сузиш ҳавзаси ҳамда «Сўғдиёна» спорт саройи ҳам тўлиқ таъмирланиб, замонавий спорт инвентарлари билан жиҳозланди.

Спорт байрамига тайёргарлик жараёнида Навоий шаҳри инфраструктурасида янада тақомиллаштирилди. Кўча ва хиёбонлар ободонлаштирилди. Кенг ва равоён йўллар бунёд этилди. Мусобақа иштирокчилари ва меҳмонлари яшайдиган талабалар турар жойлари ва меҳмонхоналарда барча шароитлар яратилди. Навоий аэропорти ва темир йўл вокзалида кенг қўламли ободонлаштириш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

«Умид нихоллари — 2012» беллашувларининг финал босқичи доирасида қизқарли ва кўнгилочар тадбирлар, маданий дастурлар ҳам ўтказиладди. Унда таникли спортчилар, ёзувчи ва шoirлар, санъат намояндалари билан учрашувлар, турли шоу-концертлар ўтказиш, вилоятнинг диққатга сазовор жойларига саёҳатлар уюштириш қўзда тутилган.

...Майдонга байрам садолари остида ранг-баранг либослардаги спортчилар, болалар ижодий жамоалари, эстрада хонандалари кириб келади. Қўшиқ ва рақсларда Ўзбекистон ёшларига хос интилиш, ғайрат-шижоат, жўшқинлик ва нафосат намойён бўлади.

«Умид нихоллари — 2012» спорт мусобақаларининг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир

Ш.Мирзиёев иштирок этди.
**Зоҳир ТОШҲУЖАЕВ,
Ёрқул УМАРОВ,
Ўза Махсус мухбирлари.**

Самарқанд Вилояти

ЙИЛ БЎЙИ ТАБИЙИЛИГИНИ ЙЎҚОТМАЙДИ

Ёз неъматларини қишда ҳам аслидек сақлаш, пешма-пеш савдо шохобчаларига чиқариш, сифатини бузмай хорижга экспорт қилишда қийинчиликлар йўқ эмас. Хўш, буни ҳал этishingн арзон, қулай ва фойдали йўллари борми?

Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги ҳамда Савдо-саноат палатаси томонидан ташкил этилган «Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини совитиш ва сақлаш технологиялари» мавзусидаги семинарда шу саволларга атрофлича жавоб берилди.

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар самараси ўларок, мева-сабзавот етиштириш, боғдорчиликда замонавий илғор техноло-

гиялардан самарали фойдаланиш натижа-сида ҳосилдорлик ошиб, тайёрланаётган маҳсулотларнинг халқаро сифат мезонла-рига мослиги таъминланмоқда. Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи фермерлар, тадбиркорлар, агрофирмалар раҳбарлари, маҳсулотларни сақлаш омбор-хоналари мутасаддилари ҳамда уларга мо-лиявий, боғжона, солиқ, сугурта хизмат-ларини кўрсатадиган ташкилотлар вакил-лари иштирок этган маъмур тадбирда соҳа экспертлари ёз неъматларини сақлаш тех-

нологияси бўйича тушунча берди.

Тадбирда ҳосилни йиғиб олишдан ис-теъмол жараёнигача бўлган механизмни амалга ошириш, тайёрлов пунктлари фа-олияти, маҳсулот транспортировкаси бўйича машғулотлар олиб борилди. Бу борадаги замонавий технологиянинг қулайлиги — тез айнайдиган маҳсулот-ларни узлуксиз ва мақбул тарзда махсус советикчиларда сақлаб, ўз ҳолича истеъ-молчига етказиб беришдир. Унинг иқти-содий афзаллиги шундаки, мева узиб олингандан бошлаб махсус советикчилар-да сақланган маҳсулотлар ички бозорни доимий равишда тўлдириш билан бирга экспорт қилиш имконини ҳам оширади.

Акбар ҚАРШИЕВ,
«Qishloq hayoti» мухбири.

Тошкент
Вилояти

Юқори Чирчиқ туман-идаги «Балжан тадбиркор» фермер ҳўжалигида ҳар йили пахта ва галладан мўл ҳосил олиниб келинмоқда. Ҳўжалик аъзолари жорий йилда 41 гектар майдонда галла парваришляпти. 9,5 гектар майдонга эса қўшқатор усулида гўзанинг «Омад» нави уруғини қадашган.

БАРАКАНИНГ
БОИСИ
ОМИЛКОРЛИК

— Ҳўжалигимизда 1 дона МТЗ-80, «Беларусь» русум-ли чопиқ трактори, 2 дона тиркама, культиватор, ўғит сепадиган қишлоқ ҳўжалик техникаларимиз бор, — дейди фермер ҳўжалиги раҳбари Умирвали Алматов. — Ёўза ниҳолларини бего-на ўтлардан тозалаш, улар-га оби-тобида ишлов бе-риш, озиклантириш каби тадбирлар мақбул муддат-да ва меъёрида амалга оширилмоқда.

«Балжан тадбиркор» фер-мер ҳўжалиги далаларида бугунги кунда иш қизиган-дан қизиган. Ҳўжалик аъзо-лари ҳар қарич ерга меҳр билан ишлов беради ва ун-дан унумли фойдаланишга ҳаракат қилади. Фермер чорва моллари боқишини йўлга қўйган. Томорқадан унумли фойдаланиш макс-адида 0,2 сотих жойда ис-сиқхона ташкил этиб, оила-си учун даромад олишининг қўшимча манбаини яратган. Айни пайтда фермер ҳўжа-лигида 10 қути ипак қурти парвариш қилинмоқда. «Меҳнатнинг таги роҳат», дейишади. Бунини Умирвали фермер ва ҳўжалик аъзола-ри яхши билишади. Шу боис, улар эртанги кунга ишонч ва ташаббускорлик билан меҳнат қилишмоқда.

Латифжон МАНСУРОВ

Наманган
ВилоятиМАВСУМ
ТАРАДДУДИ

Наманган туманида галла ҳосилини ўриб-йиғиб олишга бағишланган вилоят кўргазмалари семинари бўлиб ўтди. Унда соҳага тегишли ташкилот вакиллари, туман ҳокимлари, фермер ҳўжалиги бошлиқлари, дон ўриш комбайни операторлари ва бошқалар иштирок этди.

Вилоят фермерлари то-монидан жорий йил 79 минг-гектар майдонга экил-ган галла ўз вақтида ишлов берилгани боис, даладарда мўл-кўл ҳосил яратилган. Бугун барчанинг диққат-эътибори бепоев даладар-да пишиб етилаётган галла ҳосилини қисқа муддатлар-да йиғиштириб олишга қаратилган.

— Деҳқон пешона тери эвазига етиштирилган галла ҳосилини йиғиштириб олишда 205 та юқори унум-ли дон ўриш комбайни иш-латилади, — дейди вилоят МТП бирлашмаси раиси Ор-тиқмат Мамадумаров. — Ўрилган донларни нест-но-буд қилмай давлат омбор-ларига ташишда 1025 та юк машинаси жалб этилади. Мавжуд техника воситала-рини мавсум давомиди тез ва соз ишлаши учун барча шароитлар яратилган. Шу-нингдек, эхтиёт қисмлари билан таъминланган махсус таъмирлаш гуруҳлари таш-кил этилиб, улар кўча ус-тахонали автоуловлар ёрда-мида техник хизмат кўрса-тишади.

Кўргазмалари семинар иш-тирокчилари туман машина-трактор паркига жамланган юқори унумли дон ўриш комбайнлари, мавсум даво-мида ишлатиладиган барча техника воситаларини кўздан кечириб, уларни мавсумга қай даражада таъ-мирлангани ҳамда ишлаш жараёнлари билан таниш-дилар.

Кўргазмалари семинарда вилоят ҳокими Б.Юсупов иштирок этди.

Соҳибжон РАПИКОВ,
Наманган вилояти
ҳокимлигининг Ахборот
хизмати раҳбари.

Андижон Вилояти

▼ ХАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ



ТУШУНТИРИШ ИШЛАРИ — АЛОҲИДА ЭЪТИБОРДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига биноан шу йилнинг 1 майдан 31 майгача ўтказилаётган Харакат хавфсизлиги ойлиги доирасида Андижон вилоятида қатор ишлар олиб борилмоқда.

Йўл ҳаракати қоидаларини билиш ва улар-га қатъий риоя этишга барчамиз бирдек масъ-улимиз. Бу борада эҳтиётсизлик ва бепарво-лик оғир оқибатларга сабаб бўлиши мумкин. Андижон вилояти ИИБ Йўл ҳаракати хавфсиз-лиги бошқармаси томонидан аҳоли ўртасида олиб борилаётган профилактик тадбирларда шу хусусида атрофлича сўз юритилмоқда. Ай-ниқса, болалар билан содир этиладиган йўл-

транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақ-садида таълим-тарбия муассасаларида суҳбат-лар, кўргазмалари ҳамда ўкув машғулотлари ўтказишга алоҳида эътибор қаратилаётган.

СУРАТДА: Андижон вилояти ИИБ Йўл ҳара-кати хавфсизлиги бошқармаси сардори, сер-жант Баҳодир Рафқоров.

Хурсандбек АРАББОВ
(ЎЗА) олган сурат.

Сургаё Вилояти

ХАРИДОРГИР КОРЖОМАЛАР

«ОҚОЛТИН МС» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИНИНГ МАҲСУЛОТЛАРИ НАФАҚАТ ВИЛОЯТ, БАЛКИ ПОЙТАХТИМИЗДАГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ЕНГИЛ САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ИШЧИ-ХИЗМАТЧИЛАРИ ЭЪТИБОРИНИ ҲАМ ТОРТМОҚДА

Тадбиркор Мирза Сулаймонов икки йил олдин Оқолтин туманидаги фаолияти тўхтаб қолган корхона ўрнида «Оқолтин МС» масъулияти чекланган жамиятига асос солди ва маҳаллий бозорни пухта ўрга-ниб, машина-трактор парклари, электр тармоқлари, йўл қурилиши, газдан фой-даланишни мувофиқлаштириш корхонала-ри ишчи-хизматчилари учун махсус кий-им-бош ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Хомашёни хорижий мамлакатлардан кел-тириш, буюртмачи-харидорлар топиш даст-лаб бироз қийин кечган бўлса-да, корхо-нада тайёрланаётган бир-биридан бежи-рим, замонавий дизайнни ўзида мужассам этган коржома-кийим-бошлар вақт ўтиши билан ўз миқозларини топа олди. Авва-лига шаҳар ва туман газ филиалларини мувофиқлаштириш корхоналари жамият-нинг миқозлари бўлган бўлишса, ке-йинчалик сифатли ва бежирим кийим-бош-ларга пойтахтдаги йирик енгил саноат кор-



хоналари ҳам буюртмалар берила бошлади. 100 дан ошди тикув машинаси ўрнатил-ган корхонада ойига ўртача 10-12 минг жуфт кийим-бош тикилиб, буюртмачилар-га етказиб берилаётган. Ибодат Қурбон-ова, Соҳиба Маликова, Зебо Ўлибоева, Мо-хира Хурсанова, Маъмура Раҳимова каби тикувчи ва дизайнларнинг қўлида жило топиб чиқаётган коржомалар ҳар қандай

қилининг ҳавасини келтиради.

— 129 нафардан ошди чевар меҳнат қилаётган жамоада касаначиликни ҳам йўлга қўйди, — дейди корхона ҳисобчиси Гул-бахор Жалмасова. — Ҳозир 6 нафар аёл уйда махсус кийим-бошларни тикиб, ет-казиб бериш учун биз билан шартнома туз-ган. Касаначилар замонавий тикув дастгоҳ-лари билан таъминланган.

— Маҳсулотларимиз бозордан кенг ўрин олишини кўзлаб, Гулистон шаҳар улғуржи бозорига алоҳида савдо дўкони очдик, — дейди жамият иш бошқарувчи-си Шавкат Адиллов. — Бундан ташқари, фаолиятимизни кенгайтириб шу йил май ойининг охиригача бу ерда болалар ва катталар учун футболка тикиб, тайёрлаш-ни ҳам йўлга қўямиз. Бу эса корхонада яна 25-30 та янги иш ўрни яратиш имко-нини беради.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ,
«Qishloq hayoti» мухбири.

Ҳозирги пайтда жаҳонда кечаётган глобал сиёсий жараёнлар, турли манфаатдор кучларнинг ўз мақсадлари йўлида олиб бораётган геосиёсий ўйинлари мамлакатларнинг тинчлиги ва хавфсизлигига таҳдид солмоқда. Айниқса, халқаро сиёсатда дин омилдан фойдаланишга урғу берилётгани бу хатарни янада кучайтирмоқда. Динимиз асл моҳиятини бузиб кўрсатиш, ундан ўз манфаатлари ва қабиҳ режалари йўлида фойдаланишга уринишлар тобора авж оляпти. Жаҳон, асосан, ғарб давлатлари олмавий ахборот воситаларининг тинимсиз ташвиқоти натижасида жаҳон ҳамжамиятида ислом дини бузғунчилик, қотиллик, ваҳшийлик, зўравонлик дини деган тасаввур уйғунлашти. Шу жиҳатдан ҳам жамиятимиз ислом дини қадриятлари билан «Исломи қайта тиклаш» шiori остидаги динга алоқаси бўлмаган сиёсий ва бошқа тажовузкор гуруҳлар мақсадлари ўртасидаги фарқни тушуниб олишлари зарур.

■ **Айдарбек ТУЛЕПОВ,**
Ўзбекистон мусулмонлари
идораси раиси
ўринбосари.

Бу ғаразли ҳаракатлар таъсирдан минтақамиз ҳам четда қолмагани йўқ. Кейинги пайтларда Марказий Осиё ҳудудидида ҳам айрим диний-сиёсий ва экстремистик кучлар динни сиёсийлаштиришга, шу йўл билан одамлар, хусусан, ёшлар онгига таъсир ўтказишга зўр бериб интилишмоқда. Президентимизнинг «Аллоҳ қалби-мизда, юрагимизда» китобида айтиб ўтилганидай, бу ёвуз кимсалар ҳали онги шаклланиб улгурмаган, тажрибасиз, гўр ёшларни ўз тузоғига илинтириб, бош-кўзини айланттириб, улардан ўзларининг ифлос мақсадлари йўлида фойдаланишмоқда. Бу эса исломнинг инсонпарварлик ғояларини обрўсизлантиришга сабаб бўлмоқда. Бундай қабиҳ хатти-ҳаракатларнинг мамлакатимиз тинчлиги ва оқибатлигига раҳна солиши, миллатлараро ва динлараро бирдамликка путур етказиши, жамиятни бир-бирига қарши турли гуруҳларга бўлиб ташлаши, улар орасида фитна ва бузғунчилик ғояларини ёйиши кундан-кунга равшан.

Бундай кенг миқёсли ва пухта ўйланган хуружларга қарши туриш учун, энг аввало, одамларимизга таъқибузғунчи кучларнинг дин омилдан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиш ҳаракатларининг моҳиятини соф диний манбалар асосида очиб бериш керак. Исломи дини зўравонлик, қон тўкиш ёки бузғунчиликни тарғиб қилмаслиги, аксинча, бу дин тинчлик, инсонпарварлик, бағрикенглик, эъзулик дини эканини кенг тушунтириш лозим.

Мана шу томондан олиб қарайдиган бўлсак, имон ва куфр масаласи ҳам исломдаги энг нозик, аҳамиятли масалалардандир. Бир инсоннинг мусулмонлик даъвосида қанчалик ростгўй экани ёлғиз Парвардигоргагина аён. Шунинг учун ҳам ўтмишдаги қўлпал буюқ алломалар, мутафаккирлар ўзларича қарор қилишдан сакланган, муайян бир шахсни кофирга ҳукм қилиш борасида жуда эҳтиёткор бўлишган.

Аммо бугунга келиб бирикки китобни ўқиб олиб, ўзини «мухтайд» санайдиган, кишиларни бўлар-бўлмасга кофирга чиқарадиган оқим ва фирқаларнинг вакиллари пайдо бўлди. Бундай оқим ва фирқалар (масалан, «Ал-хизра ват-тақфир», «Ҳизбут тақфир» каби) имон ва куфр масалаларида ўта жўрватли бўлиб кетишган. Исломи ҳали чуқур ўрганмаган, етарли билим олмаган баъзи ёшларимиз уларга кўр-кўрона эргашиб, залолат ва жоҳиллик йўлига кириб қолишяпти. Шу ўринда «Нега шундай бўляпти? Уларнинг ҳатоси нимада? Муаммонинг ечими борми?» деган саволлар туғилиши табиий.

Аллоҳ таоло бандаларини сўзларининг энг гўзалига, фойдалигига эргаштишга чақиради: «Бас, (эй Мухаммад,) Менинг

шундай бандаларимга хуш-хабар берингки, улар гапни тинглаб, сўнг унинг энг гўзалига эргашадилар. Айнан ўшалар Аллоҳ ҳидоят этган зотлардир ва айнан ўшаларгина ақл эгаларидир» (Зумар, 17-18).

Пайғамбаримиз Мухаммаддан (алайҳиссалом) ривоят қилинган ҳадиси шарифларда ҳам инсонлар яхши амаллар

кофирга чиқариш) масаласига кўпроқ аҳамият беришган. Бу ҳақда ёзилган асарларнинг биринчиси мисрлик олим, ҳижрий 768 йили вафот этган Мухаммад ибн Исмоил ибн Махмуд Бадрид Рашид Рашидий қаламига мансуб. Унинг «Куфр сўзлари» номли асарига биринчи бўлиб ҳанафий олимлардан аллома Алиюл Қори муфасссал шарҳ ёзган.



қилишга чақиради: «Мусулмон — қўли ва тилидан ҳеч ким зиён кўрмаган киши. Мўмин — бошқаларнинг моли ва жонига тажовуз этмайдиган киши. Мухожир — гуноҳ ва маъсиятлари тарк этган киши. Аллоҳ йўлида муҳожирад — нафсига қарши курашишга киришган киши»; «Умматим ҳеч қачон залолатда бирлашмайди»; «Инсонларга яхшиликни ўргатуви кишига Аллоҳ таоло, Унинг фаришталари, осмон ва Ер аҳллари, ҳатто улардаги ҳумолию денгиздаги балиқлар ҳам саловат айтади».

Динимизнинг бу кўрсатмаларидан чекиниб, адашган фирқаларга эргашиб кетган ёшларимиз жоҳилликларни, диннинг асл моҳиятини англаб етмаганлари оқибатида имон ва куфр масаласида бир неча хатоларга йўл қўйишмоқда.

Бизнингча, улар йўл қўётган хатоларнинг биринчиси, масалага енгил-елпи қараш, шошма-шошарлик қилишдир. Бирор шахс ёки бутун бошли жамиятни куфрда айблаш ёки кофирга чиқариш ўта қалтис иш бўлиб, бунга кўр-кўрона муносабатда бўлиш ярамайди. Имом Бухорий Абу Ҳурайран (розийаллоху анху) ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) бундай деганлар: «Киши ўз биродарига: «Эй кофир!» деса, (куфр) иккисидан бирига қайтади». Ҳадисдан кўриниб турибди, ўзгани кофирга чиқариш оддий ҳақорат сўзи эмас, аксинча, ўз охиратини бой бериб қўйиш эҳтимолни тугдирадиган хатарли масаладир.

Шунинг учун ҳам ҳанафий мазҳаби уламолари бошқа мазҳабларнинг олимларидан кўра, тақфир (куфрда айблаш,

Хатоларнинг иккинчиси, Аллоҳ буюрмаган ишларга вақтни беҳуда сарфлашдир. Мусулмон кишининг дунё ва охиратда ўзига наф берадиган амаллар билан шугулланиши мақсадга мувофиқдир. Қироят илми олимларидан Имом Шоттиб бундай дейди: «Шариатда эътироф этилган илм, яъни Аллоҳ ва Унинг расули мақтаган илм — амал қилишга ундовчи илм бўлиб, у ўз эгасини хоҳиш ва истакларга эргашувчи эмас, балки илмига мувофиқ юрчи қилади». «Тақфир» эса ҳеч кимга фойда бермайдиган, аксинча, зарарига ҳужжат бўладиган манфаатсиз ишлардандир. Ахир, Аллоҳ таоло бизларни бирор шахс ёки жамиятнинг камчиликларини излашга, уни кофирга чиқариш учун умр бўйи ҳужжат тўплашга буюрмаган-ку! Бу ҳақиқатни ҳар ким ақида илми устозларидан аниқлаб олса бўлади. Ачинарлики, бу каби ишлар билан шугулланиб юрган ёшларнинг қўли имоннинг энг муҳим масалалари, намоз, рўза, закот каби ибодатнинг асосий шартлари борасида етарли илмга эга эмаслар. Улар, ҳатто, Қуръоннинг энг қисқа сураларини тахвид қоидаларига биноан ўқиймайди, ҳадиснинг асл матнларига «тишлари ўтмайди».

Учинчи хато, бундай нозик масалаларга ҳали уларнинг шартларини мукамал равишда ўзлаштирмай туриб қиратиш кетишдандир. «Куфр» сўзи, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, исталган пайтда, дуч келган одамга қарата айтиб юбориладиган сўз эмас. Бунини имонли мусулмонга нисбатан қўллаш енгилтақлик, қалтабинлик ва жоҳилликдан бошқа нарса эмас. Исломи тарихида бундай ишга илк бор қўл урган

хаворижларни ҳазрат Али (каррамаллоху важаҳу): «Бундай нодон ёшлар Қуръон ўқиса, тилватлари бўғиздан нарига ўтмайди», дея сифатлаганлар. Мана шу гап барча замонларда хаворижларга эргашувчиларнинг Қуръон оятлари ва ҳукмларини чуқур идрок эта олмадикларига ишорадир.

Исломида «Ал-яқину ла язулу биш-шак» — аниқ нарсаси шак-шубҳа билан йўқ бўлмайди, деган қоида бор. Масалан, бир мусулмоннинг таҳорати шак-шубҳалар билан бузилмайдиган, шундай экан, қандай қилиб гумон-тахминлар билан унинг бутун имони ва мусулмонлик сифатига тил теккизиш мумкин! Бу қондага кўра, унинг жони ҳам, моли ҳам бошқаларга ҳаромдир. Шундай бўлган, «тақфирчи алломалар» қайси ҳужжатга кўра мусулмонларни кофирга чиқа-

Буюқ мазҳаббошимиз Имом Абу Ханифанинг (рахматуллоҳи алайҳ) ақидага оид «Фикҳул акбар» китобида баён этилган қуйидаги фикрларини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқдир: «Бирор мусулмонни қилган гуноҳи туфайли кофирга чиқармаймиз, гарчи у гуноҳи кабири бўлса ҳам. Башарти уни ҳалол деб эътиқод қилмаган бўлса, ундан имон исмини ҳам олиб ташламаймиз, уни ҳақиқий мўмин деб атайверамиз. Уни фосиқ мўмин деб аташ мумкин, фақат кофир деб эмас».

Мазҳабимизда мўтабар саналган «Дуррул мухтор» ва унинг шарҳи «Раддул мухтор» китобида бундай ёзилган: «Исломи дини фақат мана бу учта шарт тўлланганидан кейингина куфр дийрига айланади: 1) ширк аҳли ҳукмлари юритилиши билан (шу жойининг хошиясида: «Мушрикларнинг ҳукми ошкор юритилиб, мусулмонларнинг ҳеч бир ҳукми юритилмаганидан кейин куфр мамлакатига бўлади», дейилган. Демак, мусулмонларнинг ҳукми ҳам, кофирларнинг ҳукми ҳам юритилган дийр куфр юрти саналмайди; 2) ислом дийри куфр мамлакатларига қўшилиб, бирлашиб қолса; 3) мамлакатда бирор тинч ва хавфсиз мусулмон қолмаса».

Ушбу уч шартнинг ҳаммаси бир мамлакатда топилса, у жой куфр мамлакатига айланади. Агар биттаси ёки иккитаси топилса, бошқаси топилмаса, ислом юрти бўлиб қолаверади. Исломи ҳукмлари деганда фақат сиёсий ҳукмлар эмас, жума ва ҳайит намозларини барпо қилиш, муфтий ва қози сайлаб, унга эргашини бююриш, ҳаж сафарига шариот яратиб бериш каби ҳукмлар ҳам тушунилади. Чунинчи, юқоридаги китобда ёзилганидай, «Дорул ҳарб (куфр юрти) мусулмонларнинг жума ва ҳайитларига ўхшаган ҳукмлари юритилиши билан ислом юртига айланади, гарчи у ерда кофирлар бўлса ҳам ва ислом мамлакатига қўшни бўлмаса ҳам».

Замонамизнинг машҳур алломаси доктор Юсуф Қаразовий бир мусулмонни кофирга чиқариш хусусидаги саволга қуйидаги жавобни берган: «Ким Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигига ва Мухаммад (алайҳиссалом) Унинг расули эканига қалби билан тасдиқлаган ҳолда гувоҳлик берса, у мусулмондир. Унга мусулмонларга қилинадиган муомала тўлалигича қилиниши керак».

Мамлакатимизда динимиз аксарият ҳукмларига амал қилинмоқда, уқор раҳбарлари ўзларининг мўмин эканларини баралла айтиш билан бирга, исломда собит туришни тарғиб қилиб туришяпти. Демак, бу юртни жоҳилият даврига ўхшатиб «куфр дийри» дея аташга, халқини куфрда айблашга ҳеч қандай асос йўқлиги очик аён бўлиб турибди.

Имон илмини қанчалик чуқур эгалласа, дин асосларини теран англайдиган бўлса, бир масалага киришишда, воқеаларга баҳо беришда ва ҳулоаса чиқаришда шунчалик эҳтиёткор, эътиборли бўлади. Аксинча, илми қанчалик саёз ва юзак бўлса, ўрганган нарсаларини тўғри ва теран фаҳхламайса, бу каби хатарли масалаларда фатво беришга, ҳулоаса чиқаришга жўрватли бўлиши, ҳақ йўлдан адашиши, залолатга ўз буриши шунчалик осонлашиб қолар экан. Аллоҳ таоло бундай жоҳилларга қарата: «Агар билмасангиз, зикр аҳлидан сўранг» (Наҳл, 43), деб буюрган.

(Давоми 6-саҳифада)



ҚЎРИҚХОНА — ТАБИАТ ҚЎРҒОНИ

Унда наботот ва ҳайвонот олами ишончли тарзда муҳофаза этилади

Юртимиздаги биохилма-хилликни асраш, ҳайвонот ва наботот оламини келажак авлодларга безавол етказишда қўриқхоналар муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси ҳузуридаги Қўриқхоналар, миллий табиий боғлар ва овчилик хўжалиги бошқармаси тизимида олтига қўриқхона, битта миллий табиий боғ ва бешта ўрмон овчилик хўжалиги фаолият кўрсатиб келмоқда.

Улар ўзининг турли хил табиий-географик ўрни ва шароитига эга. Чунончи, Зомин, Сурхон, Нурота давлат қўриқхоналари тоғли ҳудудларда, Зарафшон, Қизилқум, Бадай-тўқай давлат қўриқхоналари эса асосан тўқай ва чўл минтақасида жойлашган. Бу қўриқхоналар бир-биридан нафақат табиий-географик ўрни, балки ҳайвонот ва ўсимликлар олами билан ҳам фарқ қилади.

Ана шундай қўриқхоналардан бири Сурхон давлат қўриқхонаси бўлиб, у Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида жойлашган. Мазкур қўриқхона Қўхитанг тоғи этақлигида учрайдиган наботот ва ҳайвонот оламини муҳофаза қилиш, шунингдек, Халқаро Қизил китобга киритилган морхўр — ёввойи

бурама шохли тоғ эчкисини асраш, кўпайтириш мақсадида ташкил этилган. Қўриқхона ҳудудининг умумий майдони 23802,38 гектардан иборат бўлиб, шундан 9283 гектардан кўпроғи ўрмон билан қопланган.

Ўрмонлар асосан Зарафшон арчасидан ташкил толган. Арчзорларнинг қўйи қисмида аччиқ бодом, тоғ олча, сариқ ва қизил дўлана, иргай, наъма-так, заранг каби дарахт ва буталар, кенг баргли ўрмонлар мавжуд. Шунингдек, қўриқхонада ширач, лола, шувоқ, равоч, ёввойи пиёз, бугдойик, тоғ ялпизи, тоғ райхони, андиз, кийкўт, торон каби кўп йиллик ўт-ўсимликлар ҳам ўсади.

Олимларнинг аниқлашича, Сурхон давлат қўриқхонасида 800 турдан

ортиқ ўсимликлар учрайди. Улардан 40 таси нодир ва муҳофазага муҳтож ўсимлик тури сифатида Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган. Булар ичида лола, ширач, коврак, астрагаллар қўриқхонада учрайдиган эндемик ўсимликлардан ҳисобланади.

Қўриқхонанинг ҳайвонот олами ҳам хилма-хил бўлиб, ўзига хос турлардан ташкил толган. Бу ерда морхўр, Бухоро тоғ қўйи, ёввойи чўчка, бўри, тулки, бўрсик, ёввойи қуён каби сут эмизувчилар, бургут, болтаютар, қора ва оқ лайлак, қалқик, таскара, укки, оқ бошли қумой каби қушлар, тошбақа, қалтакесак, туркистон агамаси, сариқ илон, чипор илон, сув илон ва қопча-бош илон сингари судралиб юрувчилар учрайди.

Қўриқхона илмий ходимлари бу ернинг ҳайвонот ва ўсимликлар оламини ўрганиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси генофонди институти олимлари билан ҳамкорликда илмий-тадқиқот ишларини олиб боришмоқда.

Нозирлар ва қўриқчилар эса ҳудудни муҳофаза этиш, ёнғин хавфсизли-

гини таъминлаш, браконьерларга қарши курашиш сингари ишлар билан доимо банд. Бундан ташқари, улар қўриқхонадаги белги ва жиҳозларни бўяш, таъмирлаш, ариқ ва сойлардан узоқда жойлашган ҳудудларни сув билан таъминлаш ишларига ҳам масъул дидлар. Шу мақсадда ҳозирданок ўзларига бириктирилган ҳудудларга катта ҳажмдаги елим идишларни жойлаштиришиб, сув билан тўлдириш ишларини бошлаб юборишган. Қўриқхонага яқин жойлашган аҳоли пунктлари ва қишлоқларда яшовчи кишилар ўртасида табиат муҳофазаси ҳамда ёнғин хавфсизлиги тўғрисида тушунтириш ишлари олиб боришмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, қўриқхона жамоаси йўқолиб кетиш хавфи остида турган ҳайвонлар ва ўсимликлар дунёсини муҳофаза этиш, Она-табиатни қўз қорачигидек асрашдек муҳим вазифани амалга оширмоқдалар.

Дониёр ОЛЛОЁРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги
Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси
ҳузуридаги Қўриқхоналар, миллий
табиий боғлар ва овчилик хўжалиги
бошқармаси етакчи мутахассиси.

СУВДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Сув — ҳаёт манбаи. Шу боис, ота-бобола-римиз сувни эъзозлаш, унинг ҳар томчисидан оқилона фойдаланиш зарурлигини уқтиришди. Мамлакатимизда сув ресурсларидан тежамли ҳамда оқилона фойдаланишнинг аниқ ҳуқуқий асослари яратилган.

Сувга доир муносабатлар, жумладан, сув ресурсларидан фойдаланувчи истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги қонунида ўз аксини толган.

Мазкур қонун Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 25 декабрдаги "Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотлар чуқурлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонуни билан такомиллаштирилди. Сув истеъмолчилари уюшмаларининг мақоми, вазифалари ва мажбуриятлари янада аниқроқ белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг сувдан фойдаланувчилар уюшмасини қайта ташкил этиш ва сув истеъмолчилари уюшмаларини рўйхатдан ўтказишни ташкил этиш бўйича 2010 йил 4 февралдаги ҳаракат дастурига асосан инвентаризация ўтказилиб, унга кўра республика миқёсида жами 1694 та сувдан фой-



даланувчилар уюшмалари мавжудлиги, шундан 1097 таси ҳудудий адлия органларининг реестрида, қолган 597 таси эса туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари реестрида амалдаги аниқланди.

Қонунга киритилган ўзгариш ва қўшимчаларнинг мазмун, моҳиятини кенг аҳоли қатламга етказиш мақсадида ҳудудий адлия органлари томонидан сўнгги йиллар давомида 162 та семинар машғулотлари ҳамда бошқа бир қатор ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилди.

Сувдан фойдаланувчилар уюшмаларининг сув истеъмолчилари уюшмалари сифатида қайта ташкил қилиниши ва ҳудудий адлия органларидан давлат рўйхатидан ўтказилиши натижасида 2011 йилнинг 14 январь ҳолатига кўра, сув истеъмолчилари уюшмалари сони 1457 тани ташкил этди. 237 та сувдан фойдаланувчилар уюшмалари мақбуллаштириш жараёнида бирлаштирилганлиги ва тутатилганлиги сабабли, давлат реестридан чи-

қарилди. Шунингдек, вазирлик ва идоралар томонидан "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуни амалга ошириш бўйича тақдим этилган қонуности ҳужжатлари Адлия вазирлиги томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиб, улар бўйича тегишли хулосалар берилди.

Эндикда вазирлик топиригига асосан ҳудудий адлия органларидан давлат рўйхатидан ўтказилган сув истеъмолчилари уюшмаларининг таъсис ҳужжатлари талаб асосида расмийлаштирилиб, жамлаш, рақамлаш ва сақлаш ишлари мунтазам равишда амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда сув ресурсларидан фойдаланувчи истеъмолчилар ҳуқуқ ва мажбуриятларининг мукаммал ҳуқуқий асослари яратилганлиги ва доимий равишда такомиллаштирилиб борилаётганлиги сув муносабатларидаги муаммоларни вазирларнинг ижобий ечим топишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Неъмат ШЕРДОНАЕВ,
Адлия вазирлиги
масъул ходими.

Бухоро Вилояти

Мамлакатимизда аграр соҳани ривожлантириш, аҳолининг озиқ-овқатга бўлган талабини ички имкониятлардан самарали фойдаланиш ҳисобига янада тўлароқ қондириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, улардан юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Президентимиз ва республика ҳукумати томонидан соҳада фаолият юритаётган қишлоқ мулкдорлари, тадбиркорлар, ишбилармонларга етарли имконият ва имтиёзлар яратиб берилмоқда.

Янги тармок —
қўшимча
имконият

БАНКДАН — МАДАД, БАЛИҚЧИДАН — ҲАРАКАТ

Бу каби эзгу ишларга ҳиссани қўлиш мақсадида 2011 йилда Шўркўл сув омбори яқинидаги 60 гектарли табиий кўлни ижарага олиб, интенсив усулда балиқ етиштиришга ихтисослашган "NEW START ZERO PLYS" масъулияти чекланган жамияти фаолиятини йўлга қўйган эдик. Бунинг ҳам ўзига яраша сарф-харажатлари бор экан. Шундай кезде менга молия муассасаларининг кўмаги катта бўлди. Ўз лойиҳам билан "Микрокредитбанк"ка мурожаат этдим. Банк томонидан ажратилган 22 миллион сўм имтиёзли кредит ҳисобига ўтган йил бошида меҳнат жамоамиз билан кўлнинг 15 гектардан иборат қисмида зарур юмушларни амалга оширдик ҳамда сув ҳавзасига 3 турдаги 40 минг дона майда балиқларни қўйиб юбордик. Гарчанд балиқчиликда етарли тажриба ва малакага эга бўлмасак-да, сидқидилдан қилган меҳнатимиз ўз самарасини кўрсатди. Ўтган йили кеч қузда қўлдан 7 тонна балиқ овлаб, аҳоли дастурхонига тортиқ қилдик.

Қўлга киритилган даромадлар ҳисобидан банк кредитининг тегишли қисmini қайтаришга, жамият фаолияти учун

зарур воситалар харид қилиш, балиқларни парваришлаш учун 2 та кичик ҳовуз қуришга муваффақ бўлдик.

Жорий йилдаги режаларимиз янада катта. Насиб этса, бу йил қўлдан 15 тонна балиқ овлашни ният қилияпмиз. Шу мақсадда сув ҳавзасига 80 минг дона майда балиқлар ташладик. Шунингдек, сув ҳавзасининг қолган қисmini ҳам тартибга келтириб, ундан тўлиқ фойдаланиш борасида иш бошлаб юборганмиз. Бугун жамиятимизда 5 нафар киши меҳнат қилади. Йил охиригача улар сонини 10 нафарга етказиш кўзда тутилган. Ўз олдимишга қўйган режаларни бажариш учун эса барча имкониятлар етарли. Айниқса, донни қайта ишлаш корхоналарида балиқчилик хўжаликлари учун сифатли омикта ем ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши биз каби тармокда фаолият юритаётган тадбиркорлар учун яна бир қўлайлик бўлди. Бу каби имкониятлар ишмишмида катта аҳамият касб этмоқда.

Шавкат АБДИЕВ,
Ғиждуvon туманидаги
"NEW START ZERO PLYS"
масъулияти чекланган
жамияти раҳбари.

МАЪРИФАТ ЖАҲОЛАТНИ ЕНГАДИ

(Боши 4-сahифада)

Шу ўринда мана шундай хатоларга йўл қўймасликнинг муҳим шартларидан бўлмиш диний илм, хусусан ақида илмини ўрганишда устозни тўғри танлаш зарурати ҳақида ҳам тўхталиб ўтмоқчимиз. Бу борада энг яхши устоз умрини шу билимларга бағишлаган, ақида ва фикр илмларини чуқур эгаллаган, ислом таълимотлари ҳақида теран фикрловчи шайх ва уламолардир. Утмиш уламолари-мизнинг айтишларича, «Олдинлари илм кишиларнинг зехнида бўлган, кейинчалик у китобларга қўнди, лекин калитлари ўзларида қолди». Яъни, инсон ўзи ўқиб-ўрганиши билангина илмни тўла эгаллай олмайди, у ҳамиша бир оқил устозга муҳтождир. Имом Шотибий «Мувофакот» китобида илмни устозлардан олиш баракоти ҳақида бундай ёзади: «Қанақадан-қанақадан масалалар бор, илм толиблари уларни китобдан ўқиб ёд

олади ва доимо такрорлаб юради, аммо маъносига тушунмайди. Агар ўша масалаларни олим киши баён этиб-шарҳлаб берса, дарров тушунади. Бу тушуниш талабанинг ақли етмаган жойни шайх изоҳлаб бериши орқали ёки шунчаки устоз олдида турган талабага Аллоҳнинг марҳамати сабабидан ҳосил бўлиши мумкин». Бунга мисол қилиб саҳобаларнинг Қуръонни тушунишдаги ҳолатларини келтириш мумкин. Баъзи оятлар нозил бўлганида ўзича тушундим, деб ҳисоблаган саҳобийлар кейинчалик Расулulloҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ушбу оятда ирода қилинган маъно бошқача эканини билиб олганлари маълум ва машҳурдир.

Булардан шу нарсга аён бўлади: дин илми асл таълимотларидан узилган илмлари тугилиб катта бўлган айрим ёшлар дин ва ақида хусусида шоша-пиша бир-икки рисолача билан танишиб ёки интернет тизимидаги баъзи сайтлар келтирган маълум

отларга таяниб, у ёки бу масалада ўзларини олим санашга, ҳатто фатво беришга ҳам журъат қилишяпти. Натijaда илгаридан бир мазҳаб доирасида ва соф ақидада аҳил яшаб келётган юртимиз мусулмонлари, хусусан, тенгдошлари онгини заҳарлашга уринишяпти. Уларнинг асл максادلари яхшилик қилиш ёки дин ҳақида жон куйдириш эмас, балки четдаги ҳомийлари ишончини ва маблагини оқлаш йўлида фитна ва бузғунчилик қилишдир. Шу боис ҳам ҳар бир мусулмон ақида илмини яхши ўзлаштириши, ақидада собит бўлиши зарур. Улуғ шоиримиз Сўфи Оллоёр бежиз бундай ёзмаганлар:

Ақида билмаган шайтону элдур,

Агар минг йил тоат деб қилса, елдур.

Хулоса сифатида шунини алоҳида таъкидлаш лозим, кейинги бир неча ўн йиллар мобайнида ислом уммати ўртасида фитна ва бузғунчилик уруғларини сеппишга ҳаракат қилган «Ал-ҳижра ват-такфир» каби фирқаларнинг «дарга»лари ўзларининг бу фирқалари аҳли сунна вал жамоа эътиқодида асло тўғри келмаганини эътироф этиб, бу хато фирқаларидан қайтганларини эълон қилишди. Уларнинг мусулмон кишини «кофир»га чиқариш, у яшаватган жамиятни «жоҳилият»га нисбат бериш ҳақиқатан исломнинг барҳаёт таълимотларига хилоф эканини кеч бўлсада, охири тан олишлари ва буни барчага маълум қилишлари, ушбу хато ғоя ва фирқаларнинг издошларига ҳам тўғралигича тааллуқли деб ўйлаймиз. Шундай бўлган, ҳозирги ҳолатимизни жоҳилият даврига тенглаб, унга жиҳод қилиш фарз деб «фатво» чиқараётган кимсалар бу қилмишлари билан ислом уммати орасига фитна солаётганини, ислом бирдамчилигига путур етказётганини, мусулмонлар тинчлиги ва оқоиличилигини бузиб, фасодга йўл қўётганини бир ўйлаб кўрса, ёмон бўлмасди.

СЎЗ ҚАДРИ ҲАҚИДА СЎЗ

МАЪНО БИЛАН ИШИ ЙЎҚ...

Бир қўшиқчининг «Ўзингга ўхшаган синглинг йўқмикан?» дея қуйлаганини эшитиб қолдим. Билмадим, қўшиқ услуби, йўналиши балки қўшиқчилик мезонларига жавоб бериши мумкин. Бироқ қўшиқ матни кишини ҳайрон қолдиради. Аввал опасини севиб, унга эриша олмагач, сўнгра унинг синглиси билан муҳаббат туйғуларини боғлашни орзулаётган (ҳар ҳолда бу гапдан бундан бошқа маъно йўқ) қўшиқчининг бу ҳайқириги қайси меъёрларга тўғри келади? Ёки муҳаббатдан инсоний туйғулар йўқлиб кетдики? Агар опа ва сингиллар бир одам эмаску, опасининг ўрнига синглисини севиб қолаверса. Аксинча, опа-сингиллар ўртасидаги биологик яқинлик уларга нисбатан бир хил севиб қўзи билан қарашга монелик қилади.

Ўзига меҳрибон, ғамхўр бўлишини назарда тутадиган. Лекин бундай маъно чиқариш учун айнан шу каби сўзларни танлаш лозим эди.

Яна бир гап. Барчамизга маълумки, яқин қариндошлар ўртасида турмуш қуриш оқибатида бўлалар ноғирон бўлиб дунёга келиши мумкин. Натijaда оилалар мустаҳкамчилигига путур етади. Бундай никоҳ шариятда ҳам, замонавий тиббиётда ҳам тавсия этилмайди. Шу боис, бундай никоҳларнинг олдини олиш учун маҳаллаларда, таълим муассасаларида тушунириш ишлари олиб борилаётган бир пайтда бир қўшиқчи йигит катта саҳнага чиқиб олиб, «севганим тоғамнинг қизи», дея қўйлаётганига нима дейиш мумкин? Аввало, қўшиқ мақсади номаълум. Бунинг устига, сўзларнинг тузилиши ва қўшиқ оҳангидан хонанда (ёки хонанда назарда тутган қаҳрамон) севганим тоғамнинг қизи эканлигини кеча ё бугун билиб қолгандек туюлади. Ёки бошқа саволлар ҳам пайдо бўлади. Умуман, бу билан қўшиқчи нима демоқчи? Қўшиқчи фақат қўшиқ қуйламоқчи, холос, сўз маъноси билан иши йўқ... Назаримизда, бу ҳофизлар қўйлаётганда худди «маъно билан ишим йўқ» деяётгандек бўлади.

Соҳиба СОЛИЕВА



Ҳали янги ҳаёт остонасига кириб улгурмаган ёш йигит-қизлар илк чиқишларида «лаблари бунча асалли», «лаблари ширин болли» ёки «лаблари қаймоқча» дея қуйлашмоқда. Нахотки, улар бундай муносабатларни очик-ошкора айтиш мумкин, деб ўйлашса?! Ҳеч эшитганимиз, қўшчилик орасида бирор йигитнинг қизларга «лабингда pista чақай» деганини? Ёхуд қиз боланинг йигит кишига одамлар тўпланган жойда «кел, мени бағрингга бос», дея илтижо қилганиничи? Йўқ, албатта. Нега у ҳолда бу қўшиқчилар катта саҳнадан туриб минглаб одамлар олдида бундай қуйлашмоқда, яъни дейишмоқда. Балки қўшиқ қилиб айтганда ҳар нарсани айтиш мумкин, дея ўйлашаётгандир. Тўғри, мумтоз адабиётларда ҳам севиқли ёрнинг жисму қўрнини, ҳусни жамоли, висоли таърифу тавсиф қилинган. Аммо шундай ўринли, вазмин ифода топганки, эшитувчининг гашига тегмайди. Ҳозирда баъзи қўшиқчиларнинг ўзлари, аввало,



Бу қизиқ!



Ҳозир ер юзи аҳолиси 3 мингга яқин тилда сўзлашади. Мана шу тилларнинг аксариятида бошқа тилдан ўтган сўзлар учрайди. Ҳаётдаги ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар бошқа соҳаларга қараганда тилнинг луғат таркибига тез таъсир қилади. Қундалик турмушда турли воқеа-ҳодисалар ёки айрим нарсаларнинг яратилиши ва қўпайиши билан тилда янги-янги сўзлар пайдо бўлади. Тил халқ томонидан яратилган бўлиб, тилдоги сўзларни ҳам халқ «ихтиро» қилади. Бироқ тилда маълум бир сабаб ёки тасодиф асосида ҳосил бўлган сўзлар ҳам тилнинг луғат бойлигини ўраб туради.

АЖОЙИБ ОВҚАТ ВА «ЧУВАЛЧАНГ ТАОМ»

Ўтмишда Шарққа саёҳат қилган венециялик сайёҳ Марко Поло Шарқ халқларининг урф-одатлари, расм-русумлари билан қизиқиб қолади. Унга, айниқса, бу ерда хамирдан тайёрланган лағмон жуда маъқул келади, у тайёр лағмон хамирининг ўртасидан ингичка сим ўтказиб, қуритади ва уни ўз юртига олиб кетади. Венецияга келиб хамирни пиширади, юзига важу (қайла) қуйиб, дастурхонга тортиганида, бир кардинал шодлигидан «О, макарони» деб хитоб қилади. Бу «хай-хай ажайиб овқат» деган маънони билдиради. Шу-шу ўртаси тешик узунчоқ хамир маҳсулоти ишлаб чиқариш Италияда урф бўлиб кетади ва унинг номи «макарон» деб атайдиган бўлишади. Марко Поло эса лағмонни «лағмон чувалчанг» деб таржима қилади. Бу италян тилида «вермишель» (вермишель) деган маънони англатади. Шундай қилиб, макарон ва вермишель сўзлари тилда шу асосда пайдо бўлади.

«МИЛЛИОН» — МИНГТА МИНГ ДЕМАК

«Милле» италянча «минг» деган маънони англатади. Унга италянча «оне» қўшимчаси қўшилганда, «мингта минг» тушунчасини беради.

«КЕНГУРУ»НИ БИЛАСИЗМИ?

Европалик сайёҳлар иссиқ ўлкаларга саёҳат қилганида халтали ҳайвон — кенгуруни қўриб, маҳаллий аҳолидан «Бу қандай ҳайвон, номи нима?» деб сўраганда, улар «Кенгуру», яъни «Биз билмаймиз» деб жавоб берадилар. Шунда сайёҳлар бу ҳайвоннинг номи кенгуру экан деб тушунади. Шундай қилиб, маҳаллий аҳоли тилидаги «билмайман», «тушунмайман» маъносидagi «кенгуру» сўзи ҳайвон атамасига айланиб кетади.

«АҚЛЛИ МАШИНА» ЁХУД РОБОТ

Ҳозирги вақтда темир одам маъносини англатувчи «робот» сўзи чех ёзувчиси К.Чапак ижоди билан боғлиқ. У 1920 йилда «ақлли» машиналар ҳақида асар ёзиб, унга рассом укаси Иозеф тақлифи билан «Робот» деб ном қўяди. Ҳозирда робот сўзи халқроқ сўзга айланди.

Гулноза ТУРҒУНБОВА
тайёрлади.

Ташкилотлар ва корхоналар диққатига!

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ УЗУН ТУМАНИ ОБОДОНЛАШТИРИШ БЎЛИМИ ҚЎЙИДАГИ ОБЪЕКТНИ ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ БЎЙИЧА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАРНИ ТАНЛАШ ЮЗАСИДАН ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШНИН ИЪЛОН ҚИЛАДИ:

Сурхондарё вилояти Узун туманидаги — 12,0 км. жумладан: Гулистон маҳалласидаги Тоғчаён — Гулистон — Бешкапа қишлоқлари ораларидаги 4 км. Гулистон маҳалласидаги Қизилгунча — Кабристон қишлоқлари ораларидаги 4 км. Дехқон маҳалласидаги Бешкапа — Чакар — Дехқон қишлоқлари ораларидаги 4 км. ички хўжалик автомобиль йўллари жорий таъмирлаш (I-этап).

Объектнинг бошланғич нархи қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 428,967 млн. сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 357,472 млн. сўм, қурилиш муддати — 4 ой.

Буюртмачи: Сурхондарё вилояти Узун тумани Ободонлаштириш бўлими. **Манзили:** Узун тумани, Мустақиллик маҳалласи, 1-уй. Тел. (8-376) 44-42-688

Объектнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — Давлат бюджети ҳамда вилоятнинг маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қўйидаги шартларга: танлов

савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридидаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мажбуриятига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилар учун қўйидаги нарх преференциялари кўзда тутилди: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида-

ги Давлат харидлари Ҳукумат комиссиясининг 2011 йил 30 декабрдаги 4-сонли баённомаси қарорларига асосан мазкур танлов савдоларида қатнашувчилар таркиби бўйича кичик бизнес соҳасига кирувчи ташкилотлар учун квота миқдори 25 фоизни ташкил қилади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздавархитектурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қўйидаги манзил бўйича мурожаат этишлари мумкин: Термиз шаҳри А.Темур кўчаси 69-уй. Телефон/факс: (8-376) 222-44-73, 222-44-76.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 70 000 сўм. Таклифлар (офёрталар) савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати офёрталар очилиши кунини ва соати.

Таклифлар (офёрталар) очилиши, уларни матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин, қўйидаги манзилда Термиз шаҳар А.Темур кўчаси 69-уйда ўтказилади.

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари диққатига!

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ АДЛИЯ БОШҚАРМАСИ ҚЎЙИДАГИ ОБЪЕКТ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШНИН ИЪЛОН ҚИЛАДИ:

“Жиззах вилояти Зарбдор тумани ФХДБ бўлими маъмурий биносини капитал таъмирлаш”.

Объектнинг бошланғич қиймати: ҚҚСсиз 102,532 млн. сўм, ҚҚС билан 123,038 млн. сўм.

Ишларни тугаллаш муддати: 2012 йил 1 сентябргача.

Ишларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи манзили: Жиззах шаҳри, Тўқимачилар кўчаси, 2-уй.

Телефон: 8-372-223-52-00. **Факс:** 8-372-223-55-40.

Диққат! Бошланғич қиймати 500 миллион сўмгача бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектлари бўйича танлов савдоси фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади. Турар ва нотурар биноларни капитал ва жорий таъмирлаш объектлари бўйича қвоталар миқдори кичик бизнес субъектлари учун 100 % ташкил қилади.

Танлов савдосида ишти-

рок этакдиган ташкилотлар қўйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдоси предметининг 20 % миқдоридидаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаб ишювларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдосида маҳаллий ва чет эл қурилиш ташкилотлари иштирок этганда уларнинг танлов таклифлари баҳоланаётганда маҳаллий пудратчилар учун қўйидаги нарх преференциялари кўзда тутилган: оферталарнинг танлов таклифларини баҳолаш вақтида қончиликка мувофиқ қўшимча қиймат солиғини тўлашдан озод этилган импорт ишларни бажарувчи ва хизмат кўрсатувчи чет эл оферталарнинг так-

лифларига қўшимча қиймат солиғи қўшиб ҳисобланади.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси — **Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига** қўйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин: Жиззах ш. Ш.Рашидов шох кўчаси 63-уй, 425-хона. Тел./факс: 226-14-66.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 70 минг сўм. Таклифлар (офёрталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридagi манзилда қабул қилинади.

Офёрталарни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — офёрталар очилиш кунини ва соатига.

Танлов савдоси эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қўйидаги манзилда ўтказилади:

Жиззах ш. Ш.Рашидов шох кўчаси 64-уй (вилоят ҳокимлиги биноси), махлуслар зали.

Вниманию организаций и предприятий!

УПРАВЛЕНИЯ ОХРАНЫ ПРИ УВД НАВОИЙСКОЙ ОБЛАСТИ ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ

По объекту: «Административное здание отдела охраны при ОВД Хатирчинского района в г.Янгиробод».

Стартовая стоимость заказчика без НДС 326 916 600 сум, с НДС 392 300 000 сум.

Срок завершения строительства 1 ноября 2012 г. Заказчик Управления охраны при УВД Навоийской области. Расположенный г.Навои, ул. С.Айний-81.

Финансирование осуществляется за счет собственных средств.

ОТДЕЛ БЛАГОУСТРОЙСТВА ХОКИМИЯТА Г.НАВОИЙ ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ

По объекту: «Строительство внутренних и местных автодорог в поселки «Умид» г.Навои».

Стартовая стоимость заказчика без НДС 290 840 847 сум, с НДС 349 009 016 сум.

Срок завершения строительства 3 месяцев. Заказчик Отдел благоустройства хокимията г.Навои. Расположенный г.Навои, ул. Б.Равшанова - 15.

Финансирование осуществляется за счет средств местного бюджета.

(По объектам, стоимостью до 500 млн. сум конкурсные торги проводятся исключительно среди организаций малого бизнеса)

Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов должны соответствовать следующим требованиям: иметь оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценке конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, достигаются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торгов Территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве по Навоийской области по адресу г. Навоий, ул. Гасалия-2а, тел.: 225-49-96, 225-47-98.

Стоимость одного комплекта документов 100 000 сум. Оферты принимаются организатором торгов по адресу: г. Навоий, ул. Гасалия-2а, тел.: 225-49-96.

Крайний срок представления оферт организатору торгов ко дню и часу вскрытия оферт.

Вскрытие оферт состоится не менее чем через 30 дней после опубликования объявления.

ЧП "GIOGETTO" (OJONX 71261) сообщает об уменьшении уставного фонда с 96 141 500 сум до 96 488 000 сум.

"PRIME REAL ESTATE" МЧКнинг Устав фонди 4 055 000 000,00 сумдан 3 748 555 203,51 сумгача қамалди. Манзил: Тошкент ш. Амир Темур кўч. 25-уй.

Мирзо Улубек Трансфорт ЮК томонидан 2000 йда Ханулуис Алексей Вячеславович номига берилган КХТ-138740 рақиди диплом йўқотганини сабабидан бекор қилинди.

ООО "SHERZOD-SHAXNOZA-SAYDO" (ИНН 301391700), зарегистрированное ИПСР Мирабаского р-на г. Ташкента (рег. № 004240, 03.12.2009 г.), расположенное по адресу: г. Ташкент ул. Миронидов д. 1 к-ра 26, ликвидируется (решение собрания учредителей № 1 от 17.05.2012 г.). Претензии принимаются в течение 2 месяцев с момента опубликования данного объявления.

ООО "TOSHKENT QOP SAYDO" (ИНН 302268964) Чиланзарского р-на г. Ташкента сообщает об уменьшении Уставного фонда с 120 000 000 сум до 2 600 000 сумов.

Утереную чекую книжку, выданную Мирабаским филиалом АКЮБ Ипотечка Банк, на фирму ООО "ARCTIC GRAND SERVICE" Хаманского р-на, считать недействительным.

"PARALMPIYA SPORTING KO'MAKLASHISH MARKAZI" унитар корхонасининг (ИНН 301852656) мақоми "PARALMPIYA SPORTING KO'MAKLASHISH MARKAZI" МЧКга ўзгартирили ва Устав фонди 30 000 000 сумдан 2 600 000 сумгача қамалтирилди. "PARALMPIYA SPORTING KO'MAKLASHISH MARKAZI" ХХнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича вориси "PARALMPIYA SPORTING KO'MAKLASHISH MARKAZI" МЧК ҳисобланади. Манзил: Юнусовд т. Ш.Рашидов кўч. 16-уй.

Утеренный план квартир по адресу: г. Ташкент Чиланзар-7, д. 28 Б, к-ра 23, выданный Чиланзарским БТИ на имя Казанцевой Ефросинии Филаретовны, считать недействительным.

ООО "ORIENT TRADING INTERNATIONAL" (ИНН 201632774), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Юнусовского р-на г. Ташкента (реестр № 005395-10, 21.01.2010 г.), расположенное по адресу: г. Ташкент ул. К.Махсумова, 85, ликвидируется (решением от 10.04.2012 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления.

Утеренный план квартир, расположенный по адресу: г. Ташкент Чиланзарский р-н ул. Чупрова д. 4 к-ра 8, выданный БТИ Чиланзарского р-на на имя Хамидовой Нилы Ильичны, считать недействительным.

Утеренный аттестат № О-Р-А № 1652714, выданный в 2004 г. школой № 50 Шахрисабзского р-на Кашкардинского обл. на имя Суворовой Гузаль Ахматовны, считать недействительным.

ООО "TRANS RESURS" и ООО "TRANS-ELEKTRO-TA'MIR" сообщают о реорганизации путем присоединения ООО "TRANS-ELEKTRO-TA'MIR" к ООО "TRANS RESURS" правопреемником ООО "TRANS-ELEKTRO-TA'MIR" является ООО "TRANS RESURS", расположенное по адресу: г. Ташкент Яхьяевский р-н 1 проезд Мухомый 7а. Тел.: 253-49-52.

Қурилиш ва миллий хўрақ қўнақ коллежи томонидан 2009 йда Усмонов Аҳромжон Бақодир ўлиги номига берилган К № 594339 рақиди диплом йўқотганини сабабидан бекор қилинди.

Тошкент ш. Шайхонтоқур т. хокимлиги ҳузуридаги ТСРҲИ томонидан рўйхатдан ўтган "ALLBEST SERVICE" (ИНН 200952680) МЧКга тегишли боқона ҳужжатлари учун берилган № 6 дуналоқ муқд йўқотганини сабабидан бекор қилинади.

ООО "MEGA GOLDEN PAPER" (ИНН 30218201), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Шахрисабзского р-на г. Ташкента (реестр № 005541-09, 31.10.2011 г.), расположенное по адресу: г. Ташкент ул. Узаирова пр. Кирки д. 32, ликвидируется. Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления.

Тошкент ш. Олмазор т. Қора Қамчиш 2/5 дахаси 17-уй 63-хондонда жойлашган Инатамова Дилноза Абдурашитқажавнага тегишли қўмас мулкнинг кадастр ҳужжати (реестр № 8-220/2007) ва гувоҳнома йўқотганини сабабидан бекор қилинади.

ООО "MIRMAHSHIN FAYZ BIZNES" (ИНН 302001771), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Юнусовского р-на г. Ташкента (реестр № 006702-10, 24.05.2011 г.), расположенное по адресу: г. Ташкент пересечение ул. А.Темур и Мирабаского, комплекс торгово-бытовых услуг, ликвидируется (Протокол № 1 от 23.05.2012 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления.

ООО "ERGASHBOY YO'QOTKON" (ИНН 302078087), зарегистрированное ИПСР Олмазарского Хокимията г. Ташкента за № 006370-05 от 03.08.2011 г., сообщает о своем присоединении к СП ООО "ROLLING TIME". Претензии принимаются по адресу: г. Ташкент Олмазарский р-н ул. И.Шойиш д. 40.

ООО "ITA MEGA BUILDING" (ИНН 301668508) Сергалинского р-на г. Ташкента объявляет об уменьшении Уставного фонда с 45 000 000 сум до 12 085 422 сум. Претензии принимаются по тел.: 918-03-06.

Центр репродукции человека "Женщина и семья" (ИНН 202953484) в форме ООО, зарегистрированное решением хокима Кибрайского р-на (№ 498, 28.06.1999 г.), ликвидируется (в соответствии с решением учредителя № 1 от 17.05.2012 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления по адресу: г. Чирчик ул. Чайковского-91 "а".

Арендный санаторий имени "8 марта" в форме коллективного предприятия (ИНН 200807234), зарегистрированное решением хокима Кибрайского р-на (№ 558, 02.12.1998 г.), ликвидируется (в соответствии с решением учредителя № 2 от 18.05.2012 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления по адресу: г. Чирчик ул. Чайковского-91 "а".



Кадим замонларда бир бой яшаб ўтган экан. Унинг биттаю битта ўғли шунчалар ўжар ва ўзбошимча эканки, бегоналар у ёқда турсин, ҳатто отасининг ҳам сўзига қулоқ солмас экан.

Кунларнинг бирида уларнинг эшигига бир бола иш сўраб келибди. Бой гаплашиб кўрса, унинг ақли, фаросати жойида экан. Зора, болам ундан ибрат олса, деб уни хизматига олибди. Эрта баҳорда бойнинг ўғли овга чиқадиган бўлибди. Бой хизматкор болани ҳам уларга қўшиб жўнатибди.

Бойвачча жўраларига ўзининг мерганлигини кўз-кўз қилиб йўлайлақ кўзига нима кўринса, уни нишонга олиб, ўк ёни билан отиб кетаверибди. Куён, олмахонлар қўрқанидан панага қочиб, қушлар дараклардан ҳар ёққа учибди.

Йўлда келаётган бир қария бойваччани инсофга чақириб:

— Агар жонотларга раҳм қилмай озор берсанг, бир куни ўзинг ҳам уларнинг ҳолига тушиб қолишин мумкин. Ақлингни йиғиб, йўлаб иш қил, — дебди.

Аммо бойвачча қариянинг сўзи-

ни писанд қилмабди:

— Яхшиси, йўлимдан қоч, бўлмаса, сени ҳам нишонга оламан, — дебди уни калақа қилиб.

Қария "сенга гап хайф" деганича ўз йўлига равона бўлибди.

Бойвачча ўртоқлари билан юриб-юриб, бир мевали боғ этагида дам олиш учун тўхтабди. Боғда бир-биридан қиройли сайроқ қушлар кўп экан. Шунда бойваччанинг кўзи дарахт шокига қўниб сайраётган гўзал бир қушчага тушибди. Дарҳол уни тутиб, қафасга солибди. Озодликда қунаб, қанот қоқиб юрган қушча ногаҳон қафасга тушгач, жон-жаҳди билан ўзини ҳар ёққа уриб, типирчилаётган бўлабди. Хизматкор боланинг унга раҳми келибди. У бойваччага қушчани озод қилишни сўраб, ёлворибди. Ҳатто, эвазига нима бўлурса, шуни бажаришга сўз берибди. Бойвачча унинг устидан кул-

Фарзандингизга ўқиб беринг

моқчи бўлиб, хизматкорларига катта қафас келтиришларини буюрибди, сўнг болага:

— Майли, сен айтганча бўлсин. Қушчани озод қиламан, сени эса қафасга соламан, — дебди.

Бола бундай оғир шартни қутмаган экан. Сўз бергани учун ваъдасида туриб, рози бўлибди.

Бола энди қафасга кирмоқчи бўлиб турганида, осмону фалакни ларзага солиб, кучли қуюн кўтарилиб, уни дарахт тепасига чиқариб қўйибди. Овга чиққан йигитларни ҳам қуюн аллақайларга улоқтириб юборибди. Қуюн яна бир ҳамла билан бой ўғлини қафасга киритибди. Қафаснинг тепага кўтарилган эшиги шамолнинг кучи билан қарс этиб настига тушиб, бой ўғли банди бўлибди. Шунда қуюн каби тезликда осмонда бир бургут пайдо бўлиб, қафасга чангал солиб осмону фалакка учмоққа шайланган экан, дарахтдан хизматкор бола настига тушиб, бургутга "бой ўғлига раҳм қил", деб ёлворибди. Бургут қафасни ерга қўйибди. Ўзи эса бир юмалаб йўлда учраган қарияга айланиб, қафасга қараб бир афсун ўқиган экан, одам бўйи каттакон қафас кичрайиб, унинг ичидаги бойвачча эса кўзлари катта хунук бир қушга айланибди. Қария қушни қафаси билан боланинг қўлига тутибди. Ва яна кўздан ғойиб бўлибди.

Бола бир зумда кўз ўнгидида бўлиб ўтган бу воқеалардан базур ўзига келиб, қафасдаги қушга айланган бой ўғлига қандай ёрдам қилсам экан, деб боши қотибди. Сўнг қафаснинг оғзини очиб бой ўғлига:

— Қўлимдан келгани шу, — дебди.

Қушга айланган бой ўғли чирқиллаганича аллақайқа учиб кетар экан, бола унинг ортидан "Овчилардан эҳтиёт бўл, бой ўғли", — деганича қичқириб қолибди. Унинг овози узоқ-узоқларга аксадо берибди. Акс-садони эшитганлар шундан бери қаерда бу тунд, катта-катта қўзли қушни кўрсалар, бойўғли деб аташадиган бўлибдилар.

Ҳидоят ОЛИМОВА

РЕКЛАМА



(28 май — 3 июнь)

КҲҲ (21.03 — 20.04)



Яқин кунларда бирорта дўстингизга пул бера кўрманг. Шунда қатор кўнгилсиз можаролардан ўзингизни асраган бўласиз. Оила даврасида кўпроқ бўлишга интилинг.

БҲЗҚ (21.04 — 20.05)



Атрофингиздаги одамлар сизга таъсир ўтказишлариға йўл қўйманг. Кўпроқ мустақил қарор қабул қилинг. Бу ҳафтада яхшигина иқтисодий фойда кўрасиз.



ЭГИЗАКЛАР (21.05 — 21.06)



Оилангизнинг моддий эҳтиёжини қондириб қўйганингиз билан қифояланманг. Уларга эътиборлироқ бўлинг, токи сизнинг меҳрингизни сезиб туришсин.

ҚИСКИЧБАҚА (22.06 — 22.07)



Хатога йўл қўйганингиз учун ич-ичингиздан афсусланиб турганингиздан фойда йўқ. Гарчи улар сўраш қийин бўлса-да, бир оғиз кечирим сўраг, енгил тортасиз.



АРСЛОН (23.07 — 23.08)



Экин-тикин ишлариға уқувингиз бўлмаса-да, томорқадаги у-бу ишларни бажаришга тўғри келади. Натижада бу юмушдан ҳам ўзига яраша завқ борлигиға амин бўласиз.

ПАРИЗОД (24.08 — 23.09)




Шу кунларда бир оз дам олишни хоҳласангиз-да, имкон топишингиз мушкул. Чунки кечиктириб бўлмайдиган ишлар жуда кўп. Ҳечқиси йўқ, яқинларингиз ёрдамиға суянинг.



ТАРОЗИ (24.09 — 23.10)



Бу ҳафта сиз учун жуда даромадли келади. Ҳамиша молиявий масалаларга синчковсиз, натижа ҳам сиз қутгандек доим ижобий. Аммо меъерни унутманг.



ЧАЁН (24.10 — 22.11)




Ҳар қандай муаммони ортиқча ҳис-ҳаяжонга берилмай ҳал қилишингиз мумкин. Жаҳл чиққанда ақл кетади. Табиат қўлини ҳордик чиқариб асабларингизни тинчлантиринг.



ЎҚОТАР (23.11 — 21.12)



Ўз фикрингизни илгари суришдан аввал бошқалар билан ҳам ўртоқлашинг. Шунда хато ва камчиликлардан ўзингизни асраб қоласиз. Янги ғоялар билан интилишда давом этинг.



ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12 — 20.01)




Шу кунларда ҳужжатлар расмийлаштириш, маълумотларни ўрганишда зийрак ва ҳушёр бўлганингиз маъқул. Акс ҳолда, бошингизга ғавго қортириб оласиз.



ҚОҒА (21.01 — 20.02)



Турли ташвишлардан бир оз чекиниб, соғлигингиз ҳақида ҳам ўйлаб қўриш пайти етди. Сизни анчадан буюн безовта қилаётган дарддан халос бўласиз.



БАЛИҚ (21.02 — 20.03)



Айни кунларда режалаштирган ишларингиз қанчалик осон битадиган бўлиб туюлмасин, бирмунча қийинчилик ва муаммолар келтириб чиқариши мумкин. Ўз қўлингизға ишонинг.



АГРОМАШ

ЧЕТ ЭЛ КОРХОНАСИ МЧЖ «АГРОМАШХОЛДИНГ-ТАШКЕНТ»
ТАКЛИФ ЭТАДИ:



АГРОМАШ ВТ-90, ВТ-150 ТОИФАСИДАГИ ЗАНЖИРЛИ ТРАКТОРЛАР;
АГРОМАШ 30-ТК, 50-ТК, 60-ТК, 85-ТК УНИВЕРСАЛ ЕР-ҲАЙДОВ ТРАКТОРЛАР;
ЗАНЖИРЛАР ВА БОШҚА ЭХТИЁТ ҚИСМЛАР, СЕРВИС ХИЗМАТЛАРИНИ

Тошкент ш., Ниязбек йўли кўчаси, 1. Тел.: +998 71 120 96 11; +998 71 120 96 12;
Факс: +998 71 234 89 88; E-mail: info@chetra-tashkent.ru Сайт: www.chetra-tashkent.ru

Бош муҳаррир:
ЧОРИ ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси
Агротехнологик комплекси
тарихидаги ҳамда шу
тарихда дахлдор
вазирлик ва идоралар.

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Зафар РҲЗИЕВ, Улугбек УЗОҚОВ,
Ферхад ОМОНОВ, Эрон ҚУДРАТОВ, Муса
АНОРБОВ, Абдуваҳаб ТАМИКОВ, Маҳмуд
ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир
ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош
муҳаррир ўринбосари), Омонулла
ЮНУСОВ, Анвар ҚУЛМУРДОВ, Ренат
НАЗАРОВ, Шероз ҚУЛМОВ, Муҳиддин
АБДУСАМАТОВ (Масхул қотиб).



Қабулхона — 236-58-83, Котибхона — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими —
236-56-25, Иқтисодий-саноат ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 233-76-78,
Маънавият ва маърифат бўлими — 236-56-21, Хатлар ва жоматчилик
билан алоқалар бўлими — 233-28-04, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ХУДАЙЛАРДАГИ МУХБЕРЛАР:

Қорақалпоғистон Республикаси — (8-361) 352-54-58; Андижон — (8-374) 970-99-13;
Бухоро — (8-365) 593-27-57; Жиззах — (8-372) 366-61-16; Наманган — (8-369) 562-19-52; Фер-
ғона — (+998-91) 137-36-83; Самарқанд — (+998-97) 756-68-27; Сирдарё — (8-367)
588-06-89; Тошкент — (+998-97) 800-29-61; Хоразм — (8-362) 520-69-14; Қашқадарё —
(8-375) 229-17-23.

**Реклама ва
эълонлар:**

**236-58-83,
233-28-04.**

Реклама ва
эълонлар матни
учун буртмачи
жавобгар



Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлиги
томонидан 2009 йил 13
февралда № 0020-рамд
билан рўйхатдан ўтказилган.

Навбатчи
муҳаррир:

А.НУРУЛЛАЕВ

Мусахҳас:

О.ОЧИЛОВ

Дизайнер:

М.БЕСМУММЕДОВА

Газета сешанба, пайшанба,
жума кунлари чикади.
Буртма Г-514,
ҳажми 2 босма табак.

Офсет усулида
босилди, қороз
бичими А-3.

Матбуотчиси:
100000, Тошкент,
Матбуотчилар
кўчаси, 32-уй

E-mail:
info@qishloqhayoti.uz
qh02@rambler.ru

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 00.50
22573 нускада босилди. Нашр индекси — 144

Газета тахрирининг
ўзига компьютерда
терилди ва
саҳифаланди.

"Шарқ" нашрийт-матбаа акционерлик
компанияси босмахонасида босилди.
Матбуот: "Бухоро" қўчаси, 41-уй.

1 2 3 4